

ШЕЪРИЯТДА ЛИРИК КЕЧИНМАНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ

Салохиддинова Нигорахон Иномжоновна

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент в.б.

“UNIVERSITY OF ECONOMICS AND PEDOGOGY” NOTM. Андижон

Аннотация. Мақолада Ҳалима Аҳмедова шеърларининг бадиий ифодаси ва лирик кечинманинг бадиий ифодаси ҳақида мулоҳазалар берилган.

Калит сўзлар: лирик кечинма, руҳий ҳаяжон, поэтик образ, оҳанг, пейзаж, бадиий тасвир ва ифода воситалари

Аннотация. В статье содержатся комментарии к художественной выразительности стихов Халимы Ахмедовой и художественному выражению лирического опыта.

Ключевые слова: лирическое переживание, душевное волнение, поэтический образ, мелодия, пейзаж, художественный образ и средства выразительности.

Abstract. The article contains comments on the artistic expression of Halima Akhmedova's poems and the artistic expression of the lyrical experience.

Keywords: lyrical experience, mental excitement, poetic image, melody, landscape, artistic image and means of expression

Маълумки, лирик кечинма орқали китобхонда юзага келадиган руҳий ҳаяжон тўлқинлари бевосита шоир яратган, ўйлаб топган поэтик образда ўз ифодасини топади. Ўқувчида пайдо бўлган, бир-бирига ўхшамайдиган, бир-бирини такрорламайдиган руҳий кайфият ижодкор яратган поэтик тасвирнинг ҳаққонийлиги, ёрқинлиги, бетакрорлиги билан изоҳланади. Лекин бундай образларнинг яралиши ўз-ўзидан юзага келмайди. Қачонки ижодкор воқеликдан таъсирланар, туйғулари жўш урар, ўша воқеликка ҳиссий муносабати шаклланар экан, асарда поэтик образ туғилади. Шоирни қийнаган муаммо унинг қалбида синтезланади, туйғуларини титратади. Худди шу жараён кечинма бўлиб, ҳиссий муносабат тарзида асарга кўчади. Бу эса шеър асосида кечинма ётишига ишора бергани ҳолда, инсон туйғуларининг тартибли тизилиши билан боғлиқ жараёндир. Демак, туйғуларнинг борлиққа нисбатан муносабати лирик кечинмани ҳосил қилгани ҳолда, керакли, энг маъқул образнинг пайдо бўлишига ҳам хизмат қилади.

Ҳозирги адабий жараёнда қалам тебратаётган аёл шоиралар услуби давр шеърятининг тараққиёт тамойилларига хос ана шундай хусусиятларни акс эттириши билан умумийлик касб этади. Шунингдек, улар лирик кечинма тасвирини беришдаги ўзига хос индивидуал услубга эга бўлиб, бу албатта поэтик образ яратишдаги ўзига хослик асосида ойдинлашади.

Бугунги давр ўзбек шеърятда лирик кечинма поэтик образлар, оҳанг, пейзаж, бадиий тасвир ва ифода воситалари орқали қабарик ифодаларда баён

килинаётган экан, бадий сўз имкониятларининг нақадар чексиз эканлиги намоен бўлмоқда. Б.Турдимов лирик кечинма табиати хусусида мулоҳаза юритар экан, унинг бадий ифодасида, асосан, тўрт унсурни кўрсатади: ” 1. Шеърнинг асосий поэтик ғоясини ифодаловчи бирон бир образ орқали. 2. Шеърнинг етакчи поэтик мазмунини белгиловчи кечинма образи орқали. 3. Поэтик пейзаж ёхуд поэтик вазият тасвири орқали. 4. Поэтик оҳанг, шеъринг ритм, поэтик кўчимлар орқали¹.

Бадий асар таҳлилида бу усулларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиб бўлмайди, балки улар бир-бирини тўлдирган ҳолда поэтик мазмунни янада сайқаллайди.

Лирик кечинма бадий асар асосини ташкил қилар экан, ўз навбатида кечинманинг ўзига хос табиати мавжудлиги ҳақида тўхталиш лозим. Бу ўзига хослик ҳар бир ижодкор асарида алоҳида воқеа бўлиши билан ҳам аҳамиятлидир. Профессор Б.Саримсоқов кўйидагича ёзади: “Ҳаётдаги характерли воқеа ва ҳодисалар ижодкорнинг диққат-эътиборини тортиб, қалб-у шуурига ўрнашиб олади, унга ором бермайди, унинг ҳаёти ва фаолиятидаги ўй суриш, мулоҳаза юритиш мувозанатини бузади. Санъаткорнинг қалбини забт этган, унинг оромини, ҳузур-ҳаловатини бузган руҳий ҳолат лирик кечинма деб аталади. Лирик кечинма баъзан оний руҳий ҳолат сифатида кечиб, эстетик қиммат касб этувчи маҳсул беради ва йўқолади².

Лирик кечинма асарда образлар ёрдамида янада конкретлашади. Ёки кечинма ижодкор ўйлаб топган поэтик образларда мазмун-моҳият касб этади. Яъни кечинма образларда ўзининг бадииятини, шеърни ҳаракатлантирувчи асос эканлигини маълум қилади. Ижодкор ўзини ўраб турган борлиқни турли меъёр ва рангларда, турли оҳангларда идрок этади. Сўнг кўрган-кечирганлари, эшитиб-уққанлари, оламнинг гўзаллиги ёхуд зиддиятларини муҳокама ва таҳлилдан ўтказиши. Уни ифодалашда муносиб образларни топишга ҳаракат қилади. Сўнг бу образлар ўқувчида турфа хил ҳиссиёт ва таассуротлар уйғотади. Ана шу жараёнда кечинма ўз кучини кўрсатади. Яъни, китобхон поэзия таъсирида руҳан эзилади ё қувонади, лирик қаҳрамон тақдирдан ҳавотирга тушади ёки кўрқади. Қўйингки, инсоний ҳиссиётлари жунбушга келади.

Айни шу ҳол, аввало, ижодкорни ёзишга ундайди. Баъзан у ўз қалби билан, шунингдек, объектив олам билан муроса қилолмаётгандек кўринади. Буни ўзи яратган асарлари орқали ўқувчига етказмоққа интилади. Ана ўша жараёнда ижодкорнинг бадий нияти тўла етилади ва шунга мос конкрет образ туғилади. Бу образ ижодкор дардини ўзида мужассамлаштиргани ҳолда оний лаҳза билан китобхон қалбига кириб бора олади. Қачонки, шу туйғуни ифода этиш ва тасвирлашда мос образнинг сифати берилар экан, у ўзида қалб эврилишларини акслантирмоғи лозим бўлади.

¹ Турдимов Ш. Лирик кечинма табиати. Фил.фан.ном....дисс. ...автореф. – Тошкент, 1999. –Б. 13.

² Саримсоқов Б.Бадийлик асослари ва меъзонлари. –Тошкент: Фан, 2004. – Б.85.

Ҳалима Аҳмедова шеърлятида “одам ва оламни тушунишга интилиш жараёнида пайдо бўлган туйғуларини лирик кечинманинг ҳиссиёти билан мужассам”³ лаштира олганлигини кўришимиз мумкин:

Она, Самарқандда битта қишлоқ бор,
Узун йўлларида ухлаб ётар бахт,
Унда сочин ёйиб соғинар мени
Ям-яшил мажнунтол – келинчак дарахт
Юракка туташган йўллар ортида
Қолган, онагинам, хайр энди, хуш қол.
Тушунгин, бормасам ўша қишлоққа,
Кўксимда бир умр йиғлар мажнунтол...⁴.

Ижодкор лирик қаҳрамоннинг дилига яқин бир қишлоқ борлиги, унинг йўлларида бахтнинг ухлаётганлигини ажиб ҳиссиёт билан тасвирлайди. Лирик қаҳрамон юрагининг тубида сақланаётган сирли армони – ўша қишлоққа келин бўлиш истагини онага “дил ёриш” орқали баён қилмоқда. Бунда ҳам бир ҳаёт мантиғи бор: қиз бола юрак туғёнларини онасигагина айта олади. Шеърдаги она ва мажнунтол образи лирик қаҳрамоннинг соғинчга тўла қалбини ҳис қилишга ундайди. Мажнунтолни, айнан, келинчакка ўхшатиши, бу - қизнинг ўз уйдан бегона хонадонга келин бўлиб боришига нозик ишорадир. Лирик қаҳрамон қалбида кечаётган ҳислар “Тушунгин, бормасам ўша қишлоққа, Кўксимда бир умр йиғлар мажнунтол” жумласида янада аниқлик касб этади. У мажнунтол-келинчак дарахт, қишлоқ, она образларига катта поэтик мазмун юклаган ва қизнинг армонли кечинмаларини кичик ҳажмли шеърда сирли тарзда тасвирлай олган ҳолда ўз бадий-ижодий ниятига эришган, назаримизда. “Лирик шеърни таҳлил этиш жараёнида, аввало, унинг тўлақонли мазмун-моҳиятини тасаввур қилишдан бошлашимиз зарур. Зеро, унинг негизида қаҳрамон – изтироб ётади”⁵. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, шеърда қўлланилган образлар, пейзаж деталлари яхлитлашиб, лирик қаҳрамоннинг ёшлик хотираларига, гўзал армонларига ишора қилади.

³ Йўлчиев Қ. Кечинманинг бадий ифодаси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2016. – 3 сон. – Б. 125-129.

⁴ Аҳмедова Ҳ. Тунги марваридгуллар. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б.3.

⁵ Тимофеев Л.И. Основи теории литературы. – М., Просвещение, 1966. – С.355.